



## Жалолиддин Мангуберди — озодлик, мардлик ва қудрат тимсоли

Тарихда шундай шахслар бўладики, куч ва имконият етишмаслигига, маслақдош ва сарфдошларнинг камлигига, бошқа тўсиқларга қийинчиликларга қарамай, зулм ва истибодга қарши аёвсиз курашади. Юрт озодлиги йўлида жонидан кечадиган бундай инсонларни фидойи, жасур, мард деймиз. Буюк бобокалонимиз Жалолиддин Мангуберди ана шундай инсон сифатида кишилик тарихига кирган.

Ўзбек халқи ўзининг улғу аждодларини унутмаган. Тарих силсиласида бошга қора кунлар тушган даврларда ҳам халқ ўзининг олим уламоларини, мард фарзандларини ёдда тутди, уларнинг хотирасини муқаддас санаб келди. Истиклолнинг буюк неъматлиги шундаки, зулмат замонларида шарпага айланган хотир ҳазирга келиб қуёш сингари балки оқибатда Уттан саккиз йил ичида қанчадан-қанча буюк зотларнинг тўйини нишонладики, уларнинг хурматини бажо келтириб, номларини яна бир бор дунёга ёйдик.

Ўзбекистон Республикаси Вазирадлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори йилга шу эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди.

Масқур қарога муровиқ, юртимизда юбилейга катта тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиқ мажмуи барпо этилди. Шо-

вог каналининг икки қирғоғини туташтириб, бутун бир меъморий мажмуа қад ростлади. Унинг марказида қўлини қилч дастасига қўйган Жалолиддиннинг пурикори ҳайкали турибди. Шовотинг нариги бетида эса Жайхун меҳмонхонаси, ақвапарк, теннис корти...

Айни пайтда юбилей муносабати билан Жалолиддин Мангуберди номидаги жамағарма ташкил этилиб, унинг ҳаёти ҳақида хикоя қилувчи китоблар чоп этилди, қўлаб илмий анжуманлар ўтказилди.

5 ноябрь куни эса Хоразм замининда ўзбек халқининг довурак ўғлини Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган катта тантаналар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов буюк ватандошимиз юбилейи тантаналарида иштирок этиш учун Урганчга ташриф буюрди. Тантаналарда ҳозир бўлган хорижий меҳмонлар, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, республикамиз ва Хоразм вилояти жамоатчилиги вакиллари Ислам Каримовни олқишлар билан қутиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари ёдгорлик мажмуи марказида қад ростлаган Жалолиддин Мангубердининг мақобатли ҳайкали пойгага анвойси тулар қўйди.

Тантанали маросимда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк



аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик тўйи билан йиғилганлари муборакбод этар экан, бу зот қисқа ҳаёти давомида элу юрт равнақи, халқ озодлиги учун бемисл хизмат қилишга улгурган улғу аждодимиз эканини алоҳида таъкидлади.

Маросимдан сўнг Жалолиддин Мангуберди Марказий Осиё тадқиқотлари институти профессори Жан-Луи Баке Граммон ва бошқалар халқимизнинг миллий қадрларини, буюк аждодларимизнинг унутилмаган номларини тиклаш ва жағонага ёйиш, ана шу боқий мерос асосида ёшларимизни Ватанга садоқат, фидойилик, мардлик ва жасурилик руҳида тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Нишонланаётган катта тўй ҳам бунинг ёркин мисолидир.

Маросимдан сўнг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тадбирлар томоша намойиши этилди.

Буюк ватандошимизнинг ҳаёти ва қахрамонликлари бадиий воситаларда акс эттирилган томоша Жалолиддиннинг болалигини ифодолувчи халқ ўйинлари ва болалар қўшиқлари билан бошланди.

Жалолиддиннинг ёшлиги, шажодалик даври куй ва рақсларда гавдалантирилди. Хоразмшоҳ, Нажмиддин Кубро, амир ва беклар ёш Жалолиддин билан юрт тақдирини хусусида суҳбат қуради.

Томоша улғу саркарданнинг эл-юрт озодлиги йўлида душманга қарши курашлари, жангу жадаллари, мислиси жасоратлари акс эттирилган кўринишлар билан давом этди.

Шу кунги байрам тадбирлари доирасида қадим Хивада «Жалолиддин Мангуберди - Ватан, юрт ҳимоячиси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда нафақат мамлакатимиздан, балки йиғирмадан зиёд хорижий давлатдан келган олимлар иштирок этди.

Анжуманда сўзга чиққанлар Жалолиддин Мангубердининг башариёт тарихида тугган бекиёс ўрни, инсониятга озодлик йўлида курашининг, юрти истибод ва зулмдан қутқаришининг ёркин намунасини курсатиб кетганини таъкидлади.

Конференцияда Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар давридаги ўзбек давлатчилиги тарихи, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, илм-фан ва тарихнавислик каби мавзулардаги илмий маърузалар тингланди.

Анвар БОБОЕВ,  
Темур ШАМАКОВ,  
ЎЗА МАХСУС ЖУМАКОВ.

## Президент Ислам Каримовнинг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Қадри мўҳтоблар! Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, барчангизни қадимий ва муқаддас Хоразм замининда туриб, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган буюк аждодимиз Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги билан муборакбод этаман.

Ватандошимизнинг қўлимиз йиллик тарихи эл-юртимизнинг босқинчи, ёвуз қўллардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларини, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларининг номларини асрлар давомида ўзининг ёркин хотирасида сақлаб келмоқда.

Жалолиддин Мангуберди - бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида элу юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улғу аждодимиздир.

Азиз дўстлар!

Жалолиддин Мангубердининг бекиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизга тасаввур қилиб қўрайлик.

Шу пайтгача ҳеч қандай давлат, ҳеч қайси эл бас қолмаган. Хитой ва беповён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шахар-қишлоқларни ёндырган, дахшати ўзидан олдин етиб, не-не шоху шаҳаншоҳлар, амирлар султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устида бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг.

Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг уша пайтдаги аҳолисини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб қўринг.

Чингизхон шундай бир машум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршида тиз чўкиб, қуллик қилиб яшашга тайёр эди.

Мухаммад Хоразмшоҳ атрофидаги қўлаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал қўрганлариди. Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг бекиёс жасорати ва қатъиятини намойён этди. Шу пайтгача мағлубитга учрамаган муғул лашкарига қарши ўн бир йил муқаддас жанг қилди. Ба ғанимларга шундай қасб-қатқор зарблар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт

этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди.

Айтинглар, азиз дўстлар, ана шундай қалтир вазиётда ўзи қаби фидойи, ботир инсонларни жиқлаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват йўмон-этиқод бўлиши керак?

Айтинглар, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, элу юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак?

Қани, айтинглар, дўстларим, қадрдонларим, олдидан ўзининг қурбон бўлишини билатириб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқбол учун зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда қўп учратиш мумкинми?

Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, воёга етказган халқ қанча хурмат-аҳтиромига, ҳар қанча тасанноларга муносибдир.

Хурматли меҳмонлар! Қадри дўстлар!

Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамонт жангларини жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай хайри иш беиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир.

Ордадан бир аср ўтиб, соғибқирон Амир Темур Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди.

Мухтарам жамоат!

Жалолиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни ана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди.

Биринчи хулоса шунки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни қўрқолмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зуравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрна тишга, халқ тинчлиги бузишга уринадиган ёвуз кўчлар ҳамма бўлади.

Бу - ҳаёт. Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч қим инкор этмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Иккинчи хулоса шунки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан. Ўзинг тугилиб ўсган, ота-боболаринг ҳоки ётган, эртага фарзандларинг камол топдиган тупроқнинг ҳар бир қарчимини муқаддас билиб, уни ҳимоялаш, зарур бўлса, бу йўлда жон фидо этишга тайёр туриш керак.

Учинчи аччиқ хулоса шунки, ҳар қайси эл, ҳар қайси юрт четдан келадиган ёвуз офатдан қўра, ўз ичидан чиқадиган сотқин, иймонсиз, ўзининг манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, керак бўлса, эл яқин кишиларини ҳам сотадиган, ўзини ўстирган, воёга етказган Ватанига қўл қўтармайдиган қарақчи кимсалардан ниҳоятда аҳтиёт бўлиши керак. Бундай қўчлар, равил шаклларида қирғи хавоси, мафкур мақсадлари эл-юрт тинчлиги ва тараккиятига қандай ҳавф-хатар эканини бугунги ҳаётимизда кўриб турибмиз.

Тақдоран айтмам, бу нафақат кегаги тарихимиз, балки бугунги ҳаётимиз билан ҳаммадан аччиқ сабоқдир.

Яна бир сабоқ шунки, эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдирини ва келажагини учун қайғурмайдиган, одамларнинг эзгу ниятларини ўзига олий мақсад қилиб қўйган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган, ҳар қандай вазиётда ҳам халқни бирлаштириб, турли бало-қазолардан асраш учун сафарбар эти оладиган шахсларини тарихда ўчмас ном қолдиради. Бу - ҳақиқат.

Жалолиддин Мангуберди ана шундай мардларнинг ёркин тимсоли ва ибратли намунаси дур.

Султон Жалолиддиннинг бизга қолдирган яна бир давлати шунки, у барчаимизни она юртимизнинг беғубор осмонини ва осуда ҳаётини қалбимизга, ўсиб келаётган, эртага бизнинг урпакимизни эгаллайдиган, дунёда ҳеч қандай кам бўлмаган фарзандларимизнинг келажагини, бахт-саодатини ҳимоялашга, ёруғ истиқболга интилиб яшашга қўрайди.

Қадри ватандошлар!

Тарихи қарийб ўн минг йилга борадиган, буюк фан ва маданият ўлкаси бўлган, жаҳон цивилизациясига бебаҳо хўса қўшган улғу зотлар ватани, «Авесто»дек хўса асар яратилган табаркур тупроқ - Хоразм замини бутун дунёга маълум ва машҳур.

Бу юрт тенгсиз алломулар, азиз авлиёлар, подшоҳ саркардалар, ботир ва пахлавонларни қўп қўрган. Улар орасида миллий қахрамонимиз Жалолиддин Мангубердининг бетакорр номи йўлдуздек қарақлаб туради.

Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фарурури дур.

У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз қўчга қарши тиз туриб қурашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидур.

Бу баҳодир зотнинг муборак номи, унинг қахрамонлиги келажак авлодларга, биринчи галда сиз билан бизга, тарихий хотира олдига бошқимизни мағрур тутиб яшамогимиз учун тўла ҳуқуқ беради.

Азиз юртдошларим!

Азиз қардошларим!

Шу ҳажоқли, унутилмаган ҳақларда дунёга Мангуберди қаби қахрамон ўғлонларини берган Хоразм элига, бутун халқимизга таъзим қиламан.

Биз бугун юртимизда Жалолиддин Мангуберди хотирасини хурматлаб, музаам ёдгўрлик мажмуини бунёд этдик. Қўриб турганимиздек, бу улғувор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, бекиёс матонат ҳоқиқ бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати муҳасам топан.

Бу гўзал ёдгўрлик обидасини барпо этишдек хайри ишга ҳисса қўшган муҳандис ва меъморларга, моҳир усталарга, қурувчи ва боғ-болларга чин қалбимдан сиймосий ташаққурлар билдиришга рўхсат бергайсизлар.

Бизнинг буюк аждодларимизга қўрсатаётган хурмат-эҳтиромимиздан, овоз ва обод Ватан, фаровон жамият қуриш борасидаги эзгу ишларимиздан, жамий азиз бобларимиз катори, Жалолиддин Мангубердининг ҳам руҳи поки шод бўлғай, иншоолу.

Ишончим комилки, уларнинг ўлмас руҳи билан чароғон хондонларимизда бугун воёга етётган минглаб жалолиддинлар юртимизга меҳру садоқат қалбимдан қилиб, унинг шону шухратини бутун дунёга таранум этади.

Ишончим комилки, Мангубердининг бекиёс жасорати юртимиз тинчлиги, халқимиз омонлиги, саркарларимиз дахлсизлигини қўз қорачигидек асраб келётган довурак аскарларимиз, эл-юрт посбонлари, жасур ўғлонларимиз сиймосида давом эттаверади.

Ишончим комилки, дунёга буюк фарзандларини берган, киндик қони томган заминини, аждодларининг муқаддас мазорларини жонидан ҳам ортқ қўрадиган, ўз ватанига бутун борлигини бахш этишга ҳаммиша тайёр турадиган, қадқ бўлиб билан тупроқдан олтин ундирётган бундай халқнинг обур-эйтибори ва хурмати ошаверади.

Мухтарам юртдошлар!

Ватан ва халқ озодлиги йўлида жон фидо этган қахрамонларга шон-шарафлар бўлсин!

Ана шундай баҳодирларни қамолга етказган она халқимиз мангу яшасин!

Азиз дўстлар!

Бугун Хоразм замининда қўшалоқ байрам. Вилоят деҳқонлари, бутун Хоразм эли лафзи ҳаллоқлигини яна бир бор исботлаб, ўз зиммасига олган мажбуриятларини, Ватанимиз учун «оқ олтин» бўлиши пахта тайёрлаш режаларини шараф билан бажарди. Мана шу улкан галаба билан сиз азизлар, сиз орқали бутун Хоразм аҳлини чин қалбимдан табриқлашга рўхсат бергайсизлар.

## БУЮК ХАЛҚНИНГ БУЮК ДОСТОНИ

Термизда «Алпомиш»нинг 1000 йиллигига бағишланган тантаналар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 ноябрда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Термизга келди.



Давлатимиз раҳбарининг ана шу воқеага алоҳида эътибор қаратаётгани билан ўзида қахрамонлиқни, ватанпарварликни, фидойилиқни, озодлик ва мустақилликка интилишни ёркин акс эттирган ўзбек халқининг маънавий бойлиқларидан бири — умрбоқий «Алпомиш» достонининг маданиятимиз тараккиятига муҳим ролига яна бир марта юксак баҳо рамазидир.

Ҳа, ўзбек халқи ўзининг эришган ютуқлари билан доимо ҳақли равишда фахрланади. Бинобарин, достонлар хазинасининг дури ҳисобланмиш «Алпомиш» достони ҳам оғиздан-оғизга, қалбдан-қалбга қўчиб, бизгача етиб келган, жаҳон маданияти дурдонасига аждодларимиз қўшган буюк ва бебаҳо хазинадир. У — ўзбек халқ озаки ижодининг дурдидир.

Ана шу босидан достонининг 1000 йиллигига бағишланган тантаналар Ўзбекистон барча аҳолисининг катта байрамига айлиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Термизда бўлган пайтда юбилей тантаналарини байрам қилишга тайёргарлик жараёнида амалга оширган ишлар билан танишди. Жумладан, Термиз марказида Президентимизнинг ташаббуслари билан қисқа вақт ичида ажойиб «Алпомиш» боғи бунёд этилди. Ана шу боғ ўртасида ўзбек миллий достонининг қахрамони ҳайкали қад қўтарди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ана шу янги боғни қўздан кечирди. Шунингдек, бу ерда улкан спорт мажмуи ва теннис корти ҳам бунёд этилди. Президентимиз бунёдкорлик ишларини бажарган қурувчилар меҳнатига юксак баҳо берди. Ислам Каримов Сурхон воҳисининг оқсоқоллари билан дилдан суҳбатлашди, уларнинг турмуши ва ҳаёти билан қизиқди.

Ўзбекистон Президентининг «Алпомиш» ёдгўрлигига ановий гуллар қўйиши билан «Алпомиш» достони байрамнинг тантанали қисми бошланди. Сўнг тантананинг асосий қисмига гал келди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов байрам меҳмонлари ва қатнашчилари ҳузурини нутқ сўзлади.

Бугун, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Ислам Каримов, — биз аждодларимизнинг бебаҳо ёдгўрлиги бўлиши «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонламоқдамиз. Ҳар бир халқнинг ўз қахрамонлари бўлади. Миллатимизнинг фаҳри ва қад-қимматини ўзида муҳасамлаштирган Алпомиш сиймоси бизга инсонийликдан, дўстликдан, садоқатдан сабоқ беради.

Ислам Каримов ўз нутқида «Алпомиш»нинг 1000 йил-

лигига бағишланган тантаналар Термизда тасодифан ўтмаётганлигини, Сурхон замини қахрамоннинг юрти эканилигини таъкидлади.

Термиз бугунги кунда мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларидир, — деб таъкидлади Президент. Бу ерда истиқомат қилувчи одамларга босиқлик хос бўлган фазилат, лекин улар ўз заминлари ҳимоясига ҳар доим тайёрдилар.

Бугун биз «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигини байрам қилмоқдамиз, лекин бугунги кунда бизда достоннинг уч минг йиллардан зиёда етиб борадиган чуқур тарихий илдизларга эга эканлиги тўғрисидаги етарли далиллар бор. Биз авлоддан-авлодга, оғиздан-оғизга ана шу достонни етказган ва бизларга қўпчилиги номаълум бўлган юзлаб бахиллар олдида таъзим бажо айлаймиз.

Президент Ислам Каримов ўз нутқининг охирида «Алпомиш» ҳайкалининг тантанали равишда очди. У меъморий мажмуанинг марказига қўрқ бағишлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари ушбу мажмуани бунёд этишда қатнашганларга ва хорижий эллардан тантанادا иштирок этиш учун келган меҳмонларга миннатдорчилик билдирди.

Тантанали маросимда сўзга чиққанлар ўз тарихи, қўчана юрт халқининг аънаваларига эъзозли муносабатда бўлиш тимсоли сифатида нишонланаётган ана шундай улкан тантанادا қатнашиш имкониятидан чуқур қониқчи хосил қилганликларини ихзор қилдилар.

Тантанали байрам қатнашчиларига катта театрлаштирилган томоша қўрсатилди. Унда ўзбек халқининг бой рақс, мусика, энг муҳими маънавий аънавалари ўзининг ёркин ифодасини топган.

Шу кунги юбилей тантаналарини ўтказиш доирасида ўзбек халқининг ана шу буюк достонига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар «Алпомиш» достонининг турк халқлари маданияти тарихидаги аҳамиятини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, достоннинг ёшларини Ватанга муҳаббат, дўстлик ва садоқатли бўлиш руҳида тарбиялашдаги ўрнини ҳам алоҳида таъкидлади.

Шу қунийк байрам тантаналари тугагандан кейин мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Тошкентга қайтиб келди.

(Ўз муҳбиримиз).

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 27 июль

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 62 июль

## Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарликнинг сўнги — энг муҳим ва қизғин палласи бошланди.

Бир неча кундирки, бутун республикамизда бўлганидек, пойтахтимизда ҳам мамлакат парламентини ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларнинг ташвиқот дастурлари амалга оширила бошланди. Албатта, бунгача депутатликка номзодларни рўйхатга олишдек мураккаб ва жиғидй жараён кенг ошмоқчилик, демократик таъмоиллар асосида ўз ниҳоясига етган эди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида утган жума кунини бўлиб ўтган кенгаш юқорида таъкидланган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ақлуларни рўйхатга олиш қисмидаги мураккаб ва жиғидй жараён кенг ошмоқчилик, демократик таъмоиллар асосида ўз ниҳоясига етган эди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида утган жума кунини бўлиб ўтган кенгаш юқорида таъкидланган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ақлуларни рўйхатга олиш қисмидаги мураккаб ва жиғидй жараён кенг ошмоқчилик, демократик таъмоиллар асосида ўз ниҳоясига етган эди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида утган жума кунини бўлиб ўтган кенгаш юқорида таъкидланган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ақлуларни рўйхатга олиш қисмидаги мураккаб ва жиғидй жараён кенг ошмоқчилик, демократик таъмоиллар асосида ўз ниҳоясига етган эди.

Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида утган жума кунини бўлиб ўтган кенгаш юқорида таъкидланган депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ақлуларни рўйхатга олиш қисмидаги мураккаб ва жиғидй жараён кенг ошмоқчилик, демократик таъмоиллар асосида ўз ниҳоясига етган эди.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитой Халқ Республикаси давлат ташрифи бошланади.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон ташқи ишлар вазири Борис Шахмуродовни қабул қилди.

ЖАХОНДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Парламент олтинчи сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар бажарилишини ташкил этиш бўйича Комиссиянинг навабдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Тошкентда бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари мавзусига бағишланди.
- Шанба кунини Олий ҳўхалиқ судида бўлиб ўтган навабдаги республика семинар-кенгаши иқтисодий ноҷор корхоналарни — банкротликка ва санацияга ураган корхоналарни тугатиш масалаларига бағишланди.
- Тошкентда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Оқсоқоллар кенгашининг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди.
- Тошкентда ўтказилган халқаро динлараро ва сиёсий форум-мулоқот мавзун «Дин ва демократия» деб номланди.
- Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида «Алпомиш» операсининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.
- Аёллар йили муносабати билан Ўзбекистон гўзаллини аниқлаш бўйича ўтказилган биринчи республика қўриқ-танловида қатнашган 25 сулув киз ичидан тошкентлик талаба Камолла Фуломова «Ўзбекистон гўзали» деган юксак номига мушарраф бўлди.
- Москвада Россия ва Туркия Бош вазирлари В. Путин ва Б. Эвевит террорчиларга қарши кураш бўйича декларацияни имзоладилар.
- Москвада Арманистон Президенти Р. Кочаряннинг Россия Федерацияси Президенти Б. Ельцин ва Россия Федерацияси Бош вазири В. Путин билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қорабоғ масаласи, шунингдек парламентга ҳўжум қилинганидан кейинги Арманистондаги вазият ҳамда икки томонлама муносабатлар масаласи муҳокама этилди.
- Шанба кунини Тожикистонда республика Президенти сайлови бўлиб ўтди. Тожикистоннинг ҳозирги Президенти Имомали Раҳмонов навабдаги муддатта давлат раҳбари этиб сайланди.

Кеча Гватемалада Президент ҳамда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

Бугун Шарқий ва Ғарбий Европа «Совуқ уруш» туганганлигининг 10 йиллигини нишонламоқда.

Хитой ҳўкумати Интернет раҳбариятига мурожаат қилиб, ташкилотни мамлакатда фаолият таъкидланган «Фалунгун» диний гуруҳи бошлиғи Ли Хунчжини қўлга олиш борасида ҳамкорлик қилишга чакирди.

Бугун Польша, Финляндия, Эстония, Латвия ва Литва Президентлари Финляндияда ўтказиладиган симпозиумга йиғилдилар.

Венесуэла Президенти Лотин Америкаси мамлакатларига НАТО намунаси бўйича ўз ҳарбий уюшмаларини таъзиини тақлиф этди.

Вьетнамда гиёвандлик савдоси билан шўғулланган тўрт киши олий ҳўзага ҳўк қилинди. Жиноятчиларнинг уч нафари қамбўдхалик ва бири вьетнамликдир.

Вьетнамнинг марказий қисмида рўй берган сув тошқини оқибатида халққ бўлганларнинг сони 430 кишидан ошди, 1 миллионга яқин киши бошпанасиз қолди.

# САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга

27 КҮН ҚОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига

62 КҮН ҚОЛДИ

— Шухрат Илҳомович, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган бу галги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари нимада кўринади?

— Халқимиз жуда катта тарихий имтиҳон олдида турибди. Республикаимизнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси шуни чуқур англаши лозимки, икки мингинчи йилликда Ўзбекистоннинг тараққиёти, тақдири ва келажаги кимни олий лавозимга сайлашимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Кимни Юртбоши қилиб сайлаш, тарихнинг шундай бир масъулиятли палласида кимга ишониб овоз бериш шундай ҳуқуққа эга бўлган ҳар бир фуқародан фаолликни, улкан масъулиятни талаб қилади.

Республикамизда Президент сайлови иккинчи марта ўтказилапти. Бу галги сайлов ҳам демократик тамойиллар асосида ўтказилади. Бу галги сайловда иштирок этётган сиёсий партиялар сони кўпайди. Сайловда 5 та сиёсий партия қатнашади.

Президент сайловининг иккинчи бир жиҳати шундаки, ушбу кампания республикамизда Олий Мажлисга, маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига депутатлар сайлаш жараёни билан уйғунлашиб кетади.

Сайловнинг яна бир хусусияти шундаки, бу галги сайлов ошкоралик руҳида ўтказилади.

Шундай қилиб, Президент сайловига биз демократик кадрларни турмушга жорий этиш борасида катта сиёсий тажриба орттирган ҳолда етиб келдик. Сайловолди тайёргарлик ишлари жараёнида ҳам сайловчиларнинг сиёсий маданияти, ижтимоий фаоллиги ошганигини, ҳаётий тажрибаси бойиб бораётганини кузатиш мумкин.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисидаги Қонунда таъкидланганидек, тегишли ҳудудда Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш ишлари асосан округ, участка сайлов комиссиялари зиммасига тушади. Ушбу жараёни ўтказиш учун масъул бўлган округ ва участка сайлов комиссияларининг таркиби қандай шакллантирилди?

— Президент сайлови жуда муҳим сиёсий жараён. Шу боис уни ташкил қилиш ва ўтказишга бевосита жавобгар бўлган округ ва участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантириш ишлари мазкур қонун талаблари доирасида амалга оширилди. Жумладан, Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси таркиби ҳалқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси қарори билан шакллантирилди.

Участка сайлов комиссиялари таркиби эса округ сайлов комиссияси томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тузилади.

Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг таркиби 11 кишидан иборат. Сайлов комиссияси таркибига кириштирилган кишилар партияси, меҳнат қилаётган жамоасида ҳурмат ва эътибор қозонган, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол қатнашиб келётган кишилардир. Шундан 3 киши халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати. Бир киши — Холхужа Умаров — Ўзбекистон Қаҳрамони. Шунингдек, комиссия таркибига ишчи, ўқитувчи, олимлар, тиббий ходимлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари бор.

Участка сайлов комиссиялари таркибига ҳам меҳнат жамоасида, маҳалласида элнинг ҳурмати, ишончига сазовор бўлган, элнинг назарига тушган партиясиз кишилар кириштирилган.

— Республикаимизда ишлаб чиқилган сайлов қонунлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисидаги Қонун ҳам ҳуқуқий, демократик давлатни барпо этишга хизмат қилади. Шу ўринда мазкур Қонуннинг ҳаётга тадбиқ этилишини ўзингиз раҳбарлик қилаётган округ сайлов комиссияси ваколатлари доирасида гапириб берсангиз.

— Энг муҳим иш Қонунни жорий этишдир, деган экан улуг аллома Форобий. Ушбу Қонун шуни назарда тутадигани, сайлов комиссияларининг фаолияти демократик тамойиллар асосига қурилган. Унинг ижросини сўзсиз таъминлаш бизнинг бирдан-бир вазифамиздир. Мазкур Қонунда округ сайлов комиссияларининг ваколатлари белгилаб берилган. Демак, биз ўз ваколатларимизни фақат қонунчилик доирасида амалга ошираемиз. Яъни округ сайлов комиссияси ўз ҳудудида сайловни ташкил этиш, ўтказиш ва уни яқунлаш ишларига бевосита жавобгардир.

Қонуннинг 16-моддасида кўрсатилганидек, тегишли ҳудудда ушбу Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш, сайловолди ташкилий тадбирларини ўтказишда Қонун устуворлиги, ошкораликни таъминлаш, сайловга тайёргарлик масалалари юзасидан сиёсий партиялар, тегишли ташкилотларнинг ахборотларини тинглаш, семинарлар, суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиш, сайлов участкалари фаолиятини назорат қилиб, йўналтириб бориш кўзда тутилган.

Шу кунга қадар округ ҳудудида сайловни ташкил этиш ва унга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бўлган ташкилий ишлар низоҳасига эди. Сайлов участкалари ҳам бу ишлар тугалланди. Округ бўйича жами 670 та сайлов участкаси тузилди. Округ сайлов комиссияси биноси фойе-сида Тошкент шаҳри округи ҳудудини ифодаловчи ҳарита, сайлов участкаларида эса тегишли сайлов участкаси

ҳудудини ифодаловчи хариталар тайёрланди, осиб қўйилди. Округ ва участка сайлов комиссиялари керакли жиҳозлар: телевизор, телефон нуқтаси, компьютер, сайловлар тўғрисидаги Қонунлар, меъёрий ва услубий ҳужжатлар, вақтлик матбуот нашрлари билан таъминланди.

Округ сайлов комиссиясининг иш режаси Марказий сайлов комиссияси иш режасига мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари иштирокида участка сайлов комиссиялари раислари учун ўқув-семинар ташкил этилиб, унинг ишида сайлов тўғрисидаги Қонунларни ҳаётга тадбиқ этиш, участка сайлов комиссияларининг ваколатлари, вазифалари ва бу галги сайловнинг ўзига хос жиҳатлари тушунтирилди. Округ сайлов комиссиясида комиссия аъзоларининг навбатчилиги ташкил этилган бўлиб, мурожаат қилган фуқаролар, участка сайлов комиссияси аъзоларига маслаҳатлар бериб боришмоқда. Шунингдек, округ сайлов комиссиясининг аъзолари туманларга бириктирилган бўлиб, тегишли ҳудуддаги участка сайлов комиссияларига услубий-амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Яқинда округ сайлов комиссиясида маҳаллий ҳокимият органларининг Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказиш борасидаги тайёргарлик ишлари ҳолати кўриб чиқилди. Ушбу йиғинда шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, тегишли

бош бошқармаларнинг раҳбарлари сайловолди тайёргарлик ишлари ҳақида ҳисобот бердилар.

Участка сайлов комиссияларида иш кизгин. Сайловчилар рўйхатга олинмоқда. Сайлов участкалари қошида тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тузилган бўлиб, улар аҳоли ўртасида сайлов тўғрисидаги Қонунларнинг моҳиятини, сайловларда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш юзасидан суҳбат, йиғилишлар ўтказишмоқда.

— Сайлов жараёнини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Сайловолди тайёргарлик ишларида маҳаллаларнинг иштироки қандай кечаяпти?

— Мазкур Қонуннинг 4-моддасида таъкидланганидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари участка сайлов комиссиялари таркибини шакллантиришда бевосита иштирок этишлари. Ушбу моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган ишонч қонуний йўл билан мустақамлаб қўйилган. Шунингдек таъкидлаб ўтишни истардимки, республикамизда Президент сайловини ташкил этиш ва ўтказишда 7 мингдан зиёд фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари иштирок этадилар. Бу жуда катта қўш ва ишончдир.

Маҳалла халққа энг яқин ўзини ўзи бошқарув идораси бўлиб, маҳаллада кимнинг нимага қодирлиги, имкониятлари яхши билинади. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари шуни яхши анлаган ҳолда тегишли сайлов участкаларида сайловчиларни рўйхатга олиш, сайлов участкаларини керакли жиҳозлар билан таъминлаш, жойларда аҳоли ўртасида учрашув, мулоқотлар ташкил этишда яқиндан ёрдам бериб келаятилар. Кўпгина оқсоқоллар, маҳалла фаолларининг сайловлар тўғрисидаги Қонунларнинг моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш, ўз ҳудудида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, фуқароларни онгли равишда ўз конституцион бурчларини бажариш учун муносиб номзодларни ёқлаб эркин овоз беришга даъват этишмоқдалар.

— Сайлов жараёни демократик тамойиллар асосида ўтказилади, деган фикрнинг амалдаги тадбиқи ҳақида қисқача гапириб берсангиз.

— Мамлакатимизда ўтказилган сайловлар умум эътироф этилган халқаро андозларга ва айни пайтда ўз миллий анъаналаримизга тўла мос келади. Сайлов жараёнида демократик кадрларнинг жамиятга қанчалик даражада тадбиқ этилиши намоён бўлади. Бу галги Президент сайлови: умумийлик, тенглик, адолатчилик, яширинлик, эркинлик, ошкоралик ва масъулилик руҳида ўтказилиб, халқаро демократик тамойилларга мос келади. Яъни сайлов жараёни халқаро андозлар асосида яратилган қонунларга қатъий белгиланган тартибда ҳолисона ўтказилади. Сайлов жараёнида халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий амал қилинади. Мазкур шундай ҳаракат, эъраволик, кўрқатишчилик, тазйиқ ва камситишчилик йўли қўйилмади.

Асосий эътибор фуқароларнинг сайловда фаол иштирок этишларини таъминлашга қаратилади. Сайловолди тадбирларида номзодларга тенг шароит ва тенг имконият яратилади. Сайловчилар керакли маълумот ва ахборотлар билан ўз вақтида таъминланади. Сайловда ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлади. Халқимиз ўз тақдирини, келажакини ишониб топширадиган муносиб номзодни онгли равишда танлаши, овоз берганлиги учун ўз масъулиятини ҳис этиши керак. Фуқароларда ишонч ҳиссини ошириш сайлов жараёнининг асосий йўналишларидан бири бўлади, десак бўлади.

Аминманки, сайлов жараёнини қонунларга ҳамда халқаро ҳуқуқ қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказамиз. Қонун устуворлиги, адолат, ҳолислик ва ошкоралик ишимизнинг асосий мезони бўлади.

Тошкент шаҳар округ сайлов участкаси Миробод туманидаги Мовароуннаҳр кўчаси, 13-уйга жойлашган. Маълумот учун телефонлар: 133-32-07, 133-30-52 (Ўзбекистон Республикаси давлат акционерлик Сугурта кампанияси биносининг 1-қаватида).

Суҳбатдош Хусан ИБРОҲИМОВ.

## ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ПАЛЛА

(Давоми. Боши 1-бетда). Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёни, деб таъкидланди кенгашда, комиссия барча аъзоларининг фаол иштирокида, сайловлар ҳақидаги қонунларга қатъий риоя этган ҳолда кечди. Тақдим этилган 259 та ҳужжатнинг ҳар бири синчиклаб ўрганиб чиқилди ва айни пайтда сайлов комиссиясига келган шикоят ва тақлифлар, хатларга ҳам эътибор берилди.

Номзодларнинг субъектлар бўйича бўлишини кўриб чиқилган бўлган: «Адолат» социал-демократик партиясидан 34 та номзод, «Ватан тараққиёти» партиясидан 37, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 19, Фидокорлар Миллий демократик пар-

тиясидан 52, Халқ демократик партиясидан 60 номзод, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларидан 48, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан 9 номзод рўйхатга олинган. Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинганларнинг 37 нафар аёллар, 82 киши ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа касб-кор вакиллари. Ун нафар номзодлар фуқаролар йиғини раисларидан иборат.

Шундай қилиб, шаҳар сайлов комиссияси кўриб чиққан номзодлардан 20 киши рўйхатга олинмаган. Улардан 14 киши ўз номзодини қўйиб олиш ҳақида ариза берган бўлса, икки киши номзодини қўллаб-қувватлаш бўйича имзоларни тўплаб улгурилмаган. Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ 12 киши рўйхатга олинмаган. Мазкур

номзодлар депутат қилиб сайлангудек бўлсалар, ўзлари эғаллаб турган лавозимларидан ваз кенчишлири тўғрисида ариза беришлари керак эди. Лекин улардан бундай аризалар тушмаган. Яна бир номзод «Ватан тараққиёти» партиясининг қароғига биноан рўйхатга олинмаган бўлса, сунгги бир номзод шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олиниши рад этилган ташаббускор гуруҳ томонидан кўрсатилгани учун рўйхатга олинмаган. Шу билан бирга уч номзод бирийўла икки органдан номзод этиб кўрсатилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунга мувофиқ улар бир орган бўйича рўйхатга олинган.

Кенгашда, шунингдек, сайловларга тайёргарликнинг сунгги — муҳим босқичидаги сайлов округлари олдида турган вазифаларга алоҳида тўх-

талди. Жумладан, депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишда ҳар бир номзодга тенг вақт ва тенг шароитлар яратиб бериш, бу тенг демократик тамойиллар бузилишининг ҳар қандай кўриinishларига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди. Сайлов округлари билан сайлов участкалари ўртасидаги муносабатлар, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, кузатувчилари ҳамда ҳоржиги ва халқаро ташкилотлар кузатувчилари билан ўзаро муносабатларда очиклик ва ошкоралик, демократияга амал қилиш сайловларимизнинг адолатли ва ҳолисона ўтишига ёрдам бериши керак.

Кенгашда округ сайлов комиссиялари фаолияти билан боғлиқ қўлдан-қўл саволларга батафсил жавоб берилди.

Саид ВАЛИЕВ.

## Дил изҳори

# ВАТАНИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Мен бу йил Республика Олий Мажлисига сайловларда биринчи бор қатнашаман.

Халқимиз, миллатимизнинг келажак тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи парламентимиз аъзоларини сайлашдек ғоят шарафли, муҳим тадбирда қатнашиш менда ҳам гурур, ҳам катта масъулият туйғуларини жўш урдирди. Зе-ро, университетда таълим олиш, талабалар ўзаро фикр алмашувлари жараёнида ҳақиқий демократик сайлов нима-ю қуруқ расмиятчилик, сиёсий найрангбозлик асосига қурилган сайлов қандай бўлади — буларни яхши тушуниб олганмиз.

Мамлакатимиз фуқаролари ёш авлодининг олдий бир вакили сифатида мен ҳам бўлажак Президент сайловига, Олий Мажлис сайловига тайёргарлик қандай бораётганини кузатиб келаяпман. Айниқса, шу сайловларни ташкил этувчи Марказий сайлов комиссиясининг серқирра фаолияти телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиб келмоқда. Мазкур комиссиянинг ўз ичига мустақил равишда олиб бораётганини кўриб туришимиз ва бу демократик тамойиллар мамлакатимизда оғизда эмас, амалда кенг жорий этилаётганидан далолат бериб турилади.

Биронта сиёсий партия, ҳокимият органлари сайлов комиссиялари устидан назорат қилиш, тазйиқ ўтказишга уринаётгани йўқ ва шундай бўлиши табиий.

Лекин яқин ўтмишимизда аҳвол бутунлай бошқача бўлганини ҳам биламиз. Шўролар даврида ҳамма соҳалда бўлганидек сайловларда ҳам жилво коммунистик партия қўлида бўлган. Сайлов натижалари ҳам олдиндан маълум бўларди.

Буни қарангки, ҳозирда бир сайлов округидан сайланган бир депутат ўрнига бешта сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органи ва яна сайловчилар ташаббускор гуруҳи номзод кўрсатиши. Сайловчилар, яъни бизлар учун энг муносиб номзодни чертиб чертиб танлашимизга тўла ишончи бор. Ана шундай шароитдагина ҳақиқий рақобат, ҳақиқий кураш бўлади-да. Биз сиёсий партияларнинг дастурларини ўрганаёلمиз. Афсуски, уларнинг кўпчилиги бир-бирига ўхшаш, олдиларидаги мақсад ва вазифалари, уларни амалга оширишга ёндошувларида катта фарқи сезиш қийин. Қолган номзодларни ҳам пухта ўрганиб чиқамиз. Учрашувларда номзодларга берадиган аниқ саволларимиз бор.

Хуллас, дўстларим, дугоналарим ва мен ҳам мамлакатимизда юз бераётган демократик воқеаларда тенг ҳуқуқли асосларда фаол қатнашаётганимиздан дилларимиз гурурга тўла. Бўла-сал сайловларда халқимизнинг энг муносиб номзодлари олий ҳокимият органи танлаб олиниши керак. Чунки бўлажак депутат ҳақиқий ватанпарвар, халқ ишончи ва меҳрини қозонган, ўткир сўзли, билимдон киши бўлиши лозим. Ана шундайларга овоз берга-



Юнусобод тумани сайлов округ ва участкаларида ҳам бўлажак сайловларга тайёргарлик ишлари кизгин бормоқда. Хусусан бу борда туманга қарашли 550-сайлов участкаси намуна фаолият кўрсатмоқда. Юқоридаги суратда шу участка сайлов комиссиясининг раиси Зиёдулла Давронови сайловчилар ўртасида машғул олиб бораётган пайтида кўриб турибсиз.

Чапдаги суратда эса 22-марказий сайлов округи комиссияси аъзолари Жаҳонгир Худойкулов, Гулмира Шокаримова ва Муҳиддин Примовлар сайловга оид нашрлар билан танишмоқда. Рустам Шарипов олган суратлар.



## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига кимлар эгадирлар?

ЖАВОБ: Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддасига асосан, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов тайинланган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина у Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиши мумкин. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан ўн фоизи имзосини тўплаши мумкин.

САВОЛ: Сайловолди ташвиқоти қачондан бошланади ва қандай тартибда амалга оширилади?

ЖАВОБ: «Олий Мажлисга сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига асосан ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Депутатларга номзодларга ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қўлай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади.

Абдувоҳит ВАҲОБОВ, юридик фанлари номзоди, доцент.

## ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Сайлов округ ва участкалари эрталабдан одамлар билан гавжум. Ташриф буюрувчилар бу ерда мустақил равишда ўзларига керакли барча маълумотларни олиш имкониятига эга. Кўча ва ҳибобларни сайр қилувчилар тилида ҳам, талабалар, қўшннгни, республикамизнинг барча фуқаролари оғзидан сайлов, Хуллас, сайлов ва сайланиш шу куннинг муҳим мавзусига айланган.

Биз яқинда одамларнинг умумхалқ манфаати учун ҳам фойдали бўлади.

— Бу йилги сайловлар кенг демократик тамойиллар асосида ўтаётганлигининг яна бир боиси жалар олинганлигини кўришнинг дунёқарашини тубдан ўзгартирилганлиги деб биламан, — дея суҳбатга қўшилди пенсиячи Имомиддин Мансуров. — Мустақиллик ҳар биримизга кенг фикрлаш ҳуқуқини берди. Миллий ситетининг 2-курс талабаси Нодир Фуломов. — Энг асосийси биз сайловчилар ана шу номзодлар орасидан ҳам муносиблардан муносибни танлаб олиниши керак. Чунки бўлажак депутат ҳақиқий ватанпарвар, халқ ишончи ва меҳрини қозонган, ўткир сўзли, билимдон киши бўлиши лозим. Ана шундайларга овоз берга-

сида кўрсатилган жиҳатларга тўри келса бўлгани эди. Танланган номзод ўзига билдирилган олий мақом талабига жавоб бера оладими-йўқми, бу ҳақда ҳеч ким сўраб, суриштириб ўтирмасди. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг, депутат қачонки, юксак минбардан туриб ўз сайловчилари истак ва талабларини айта олмаса, бордию уларга сўзлаш ҳуқуқи берилганида ҳам маҳсуус кишилар томонидан ёзиб берилган ҳамда саноат иборат гапларни зўр-базўр, чала-чулпа ўқиб берса, бундай «ҳақ йўлида курашадиган» депутат кимга керак?

Атрофимизда сайловлар ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирувчилар жуда кўп эди. Суҳбат охирида улар билдирган тақлиф ва мулоҳазалардан баъзи жумлаларни келтириш билан кифояландик.

— Бу галги сайловда бир ўринга ўртача 6 нафар номзод даъвогарлиги ҳам ҳар бир депутатлик мандати учун чинакам кураш боришини кўрсатиб турибди.

— Асосий мақсад номзодлар танлашда янглишмаслигимизда, — дея суҳбатимизга яқун ясади ўрта ёшлардаги киши.

Маъмур ОРИПОВ.

Нисондорларимиз

ФАХР ТҮЙҒУСИ



— Ишга келган вақтимда 19 ёшда эдим, — дея хотирлайди Махбуба опа. — Устозим Анжела Каримова, бошқа миллатга мансуб бўлса ҳам ўзбекчани чиройли гапириб ишни эринмай ўргатар эди. У хар икки гапининг бирида «... Тикуччи кўйлагининг чоки қанча чиройли бўлса, ишининг баҳоси ортади. Бизнинг ҳам ишда шундай муқовалётган гувоҳномами, дипломми нима бўлишидан катъи назар чоки чиройли бўлсин...» дер эди. Мана бугунги кунда мен ҳам шоғирдорларимга шундай талабни қўйганман.

Корхонада ўз номи билан оқ қоғоз чеки алоҳида ўрин тутди. Бу ерда 28 нафар ишчи ишлайди. Утган йилдан бошлаб босма ишларда бирмунча ўзгаришлар бўлди. Энг асосийси замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Муқовалаш ишидаги сифат ҳам, сон ҳам аввалги йиллардагидан мутлако ўзгариб кетди. Цехдаги айрим ишлар буюртма асосида бўлгани учун алоҳида аҳамиятга молик бўлиб, у фақат қўлда баҳариланади. Бу ишда Махбубахонга тенг келадигани йўқ.

Кунни кеча Тошкент Университети талабалари учун 3 минг донга дипломини тайёрлаб бердик. Улар буюртма бераётган вақтларида мен касабам уюшмамиз томонидан имтиёзли йўлланма билан «Кумушхон»га дам олишга кетаётган эдим. Биласими, 12 кун дам олган бўлсам, ҳаёлимда фақат шу буюртма гавдаланди. Чунки шунча йил ишлаб, ҳеч қачон буюртмани ташлаб кетмаганман. Ҳаттоки, айрим сабаблар билан ишга келмай қолган бўлсам бирор нозик буюртма бўлса, албатта уйдан бориб олиб келишар эди. Ана шундай вақтларда кўзга кўринмас, киши билмас ишда ишлаётган бўлсамда, аммо кимларгадир керак эканлигиндан фохрланиб кетаман. Бугунги кунда бу фахр туйғуси қалбимни янада мавжлантириб юборди. Чунки давлатимиз томонидан билдирилган ишонч касбимга бўлган меҳримни мавжлантириб юборди. «Шухрат» медали биргина менга эмас, менга ҳамма ҳамкор ва ҳамнафас бўлган касбдошларимга ҳам берилган тўғри муқофотдир.

Гулзода МАМБЕТОВА. СУРАТДА: Махбуба Халилова. Рустам Шарипов олган суратлар.

Ҳикоятлар

САДОҚАТ

Кунларнинг бирида Басра шаҳрининг ҳокими хордик чиқаришни ният қилиб, ўз боғига ташриф буюрди. Шу боғнинг хизматчиси бўлган боғбоннинг жуда гўзал, ифбатли ва номусли хотини бор эди. Ҳоким боғда сайр қилиб юриб ул гўзалга кўзи тушди ва бир зумда унга хуштор бўлди-қолди. Кўнглига ёмон ният келган ҳоким боғбонни қақириб, бир юмуш билан узокроққа жўнатди. Сўнгра унинг хотинига боғ эшикларини беркитиб келишни буюрди. Зийрак хотин ҳокимнинг мақсадини сезди ва унинг айтганини бажо келтириб, хузурига қайтди. Ҳоким эса жилмайиб: «Ҳамма эшикларни беркитиб келдингми?» — деб сўради. Хотин бўлса бамайлихотир: — Буйруғингиз бажарилди, бегим, фақат бир эшикни беркитишга оқиман, — деди. — Сен беркита олмайдиган у қандай эшик экан, — ажабланди ҳоким. — У эшик — менинг виждоним ва эримга садоқатим эшиги, — жавоб берди гўзал кулимсирак. Шунда ҳоким ўз қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, аёлининг садоқатига тан берди ва ёмон ниятидан қайтиб: — Синглим, мени кечир, — деб узр сўради.

ЭРИ МОТ БЎЛДИ

Қадимда ўтакетган хасис ва зикна одам хусну латофатдан тенги йўқ аёлга уйланибди. Аммо эрининг хасислигидан безор бўлган хотин ҳамма нарзоз бўлар, шу сабабли ҳар кун уйда жанжал кўтариларкан. Хотини пул талаб қилавериб жонидан безор қилганидан кейин хасис уни талоқ қилиб, уйдан ҳайдаб юборибди. Хотиннинг тимсоли йўқ гўзаллиги подшоҳнинг қулоғига етибди ва унга совчи юборибди. Гўзал эса совчиларга шундай жавоб қилибди: — Битта шартим бор, агар шохим кўнсалар, тўйга розиман. Шартим шуки, подшоҳ мени ўзининг тахти-равонидан олиб борсин ва тахтни кўтариб боришни менинг собиқ эримга топширсин. Подшоҳ бунга рози бўлибди. Аёлининг хасис эри тахтни кўтариб бораётганда, хотин атайлаб бир динор пулни ерга ташлабди ва эрига: — Бир мири пулни тушириб юбордим, олиб бер, — деди. Эгилиб пулни олган хасис: — Хоним, бир мири эмас, бир динор-ку — деса, унга жавобан хотини: — Йўқолган бир мири пулим ўрнига бир динор олтин берган худойимдан ўргулай-а! — деди икки пулга арзимайдиган эри йўқотиб, малика бўлиб қолганига ишора қилиб.



Бири устоз, бири шоғирд.

Ҳамза — туманида жойлашган Бобохон Салимов номли маҳаллада Аёллар йилга бағишлаб ўтказилган тадбир ана шундай номланди. Ушбу файзли тадбирга маҳалланинг кекса онахонлари, фаол ва тадбиркор аёллар, тумандаги маҳаллаларнинг хотин-қизлар кенгаши раислари тақдир этишди.

Ўтиб бораётган йилимизнинг маҳалла аёллари ҳаётида қолдирган ёрқин изларни, ҳукуматимиз томонидан хотин-қизларга берилаётган эътибор ва имтиёзлар ҳусусида тадбир иштирокчилари тўққинлиниб гапирдилар.

1999 — Аёллар йили



Диллашу

ШЕЪР — КЎНГҲА СУВРАТИ...

Аёл шундай улуғ зотки, у ҳақда сўзлагувчининг ақли хирлашиб, тили лол бўлар. Унинг номи номларни шарафлаб дилларга шодлик бағишлар. Муқаддас биткилар, девонлар мундарижасининг боши ҳам шу ном билан бошланар. Унинг исми-сисми бирор нарса йўқ, барча мўъжизалар, хушбўй ҳидлар, рангин манзаралар, қудрат ва сифатлар, шаъну шараф, ору номус шу номдандир.

Аёллар ичиде ана шундай аёллар борки, улар ижодкор аёллардир.

Елкаларидаги рўзгор деган мангу ташвишлардан ортиб, яна ижоддек машаққат юқини ҳам тортиб, ўз кўшиқлари, ўз овозлари билан доим эл эътиборида бўладилар. Шундай аёллардан бири шоира Фарида Афрўз (Бутаева)дир. Унинг «Қирқ қоқиланчим», «Иштироб кўйлағи», «Туналар исёни», «Кўзим манчим» китоблари аллақачонлар муҳлислар мулкига айланган. Шоира шеърларини ўқир экансиз, ундаги самимийлик, ёрга бўлган соғинч, муҳаббат ўз қалбингизда кечаётгандай бўлаверад.

— Фарида опа, энг аввало истиқлолимизнинг 8 йиллик тўйи кунлари Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланганлар орасида Сизнинг ҳам «Шухрат» медалига сазовор бўлганингиз ҳамда яқиндагина муҳлисларингиз қўлига бориб етган «Кўзим манчим» деб номланган тўпламингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. — Ташаккур. — Фарида опа, замонавий аёл деганда қўз олдингизга қандай аёлларни келтирасиз? Умуман албга қандай таъриф берасиз? — Замонавий аёл ботинан, яъни ички олами, шури, тафаккури миллатпараст, ватанпараст бўлмоғи керак деб ўйлайман. Айниқса бугунги кунда бир кун эмас, бир ой эмас, бутун бир йил ҳада этилган, ардоқланаётган ўзбек аёли ўз урф-одатларини, насли-насабини ва ўз тарихини жуда яхши билмоғи, томиринда кимларнинг қони оқаётганлигини ҳис қилиб турмоғи жуда зарурдир. Зеро, истиқлолдан бошланган миллий турмуш тарзимиз айнан шуни тақозо этмоқда. Аёл зоҳиран, яъни ташқи кўриниши ҳам гўзал ва нафосат билан йўрилган бўлмоғи зарур. Сўнги урфдаги кийимлар кийганга, фарангларни-

«СИЗ ГЎЗАЛСИЗ, ГЎЗАЛСИЗ ҲОЯТ...»

Шунингдек, маҳалла аёлларининг Мустиқлигимизни мустаҳкамлаш ишга қўшаётган ҳиссалари ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди. — Маҳалламизда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси, тадбир ташкилотчиси Турсун-ноя Шарипова. — Уларнинг 60 фоизга яқини хотин-қизлардир. Албатта, шу боис ҳам маҳаллада ҳамжихатлиқни таъминлашда оилаларнинг тинч-тотув яшашларида, фар-

Аёл борки, олам мунаввар



Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Диллашу

ШЕЪР — КЎНГҲА СУВРАТИ...

Аёл шундай улуғ зотки, у ҳақда сўзлагувчининг ақли хирлашиб, тили лол бўлар. Унинг номи номларни шарафлаб дилларга шодлик бағишлар. Муқаддас биткилар, девонлар мундарижасининг боши ҳам шу ном билан бошланар. Унинг исми-сисми бирор нарса йўқ, барча мўъжизалар, хушбўй ҳидлар, рангин манзаралар, қудрат ва сифатлар, шаъну шараф, ору номус шу номдандир.

Аёллар ичиде ана шундай аёллар борки, улар ижодкор аёллардир.

Елкаларидаги рўзгор деган мангу ташвишлардан ортиб, яна ижоддек машаққат юқини ҳам тортиб, ўз кўшиқлари, ўз овозлари билан доим эл эътиборида бўладилар. Шундай аёллардан бири шоира Фарида Афрўз (Бутаева)дир. Унинг «Қирқ қоқиланчим», «Иштироб кўйлағи», «Туналар исёни», «Кўзим манчим» китоблари аллақачонлар муҳлислар мулкига айланган. Шоира шеърларини ўқир экансиз, ундаги самимийлик, ёрга бўлган соғинч, муҳаббат ўз қалбингизда кечаётгандай бўлаверад.

— Фарида опа, энг аввало истиқлолимизнинг 8 йиллик тўйи кунлари Ватанимизнинг юксак муқофотлари билан тақдирланганлар орасида Сизнинг ҳам «Шухрат» медалига сазовор бўлганингиз ҳамда яқиндагина муҳлисларингиз қўлига бориб етган «Кўзим манчим» деб номланган тўпламингиз билан чин юракдан муборакбод этаман. — Ташаккур. — Фарида опа, замонавий аёл деганда қўз олдингизга қандай аёлларни келтирасиз? Умуман албга қандай таъриф берасиз? — Замонавий аёл ботинан, яъни ички олами, шури, тафаккури миллатпараст, ватанпараст бўлмоғи керак деб ўйлайман. Айниқса бугунги кунда бир кун эмас, бир ой эмас, бутун бир йил ҳада этилган, ардоқланаётган ўзбек аёли ўз урф-одатларини, насли-насабини ва ўз тарихини жуда яхши билмоғи, томиринда кимларнинг қони оқаётганлигини ҳис қилиб турмоғи жуда зарурдир. Зеро, истиқлолдан бошланган миллий турмуш тарзимиз айнан шуни тақозо этмоқда. Аёл зоҳиран, яъни ташқи кўриниши ҳам гўзал ва нафосат билан йўрилган бўлмоғи зарур. Сўнги урфдаги кийимлар кийганга, фарангларни-

Кенгашиларда

ла фуқаролар йигини раиси Холида Турғунбоева ва фаоллар ёрдамида тўй ва маросимларни ижам ва файзли ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги файзли дастурхон атрофидаги тадбиримиз ҳам маҳалла аёлларининг аҳиллигини янада мустаҳкамлаш, улар билан дилдан суҳбатлашиш ва озгина бўлсада уларга хушқайфият улашиш ниятида уюштирилди.

Тадбирда кўшни маҳаллалар хотин-қизлар кенгашининг раислари ўз дил сўзларини изҳор этишди. Санъаткорлар ва тумандаги 282-мактаб бадий ҳаваскорлари мазмунли кўшиқлари ва дилрабо рақслари билан кечага файз киритишди.

Зулфия номидаги Давлат муқофотида номзодлар

МУМТОЗ КҮЙЛАР ЖОНИ ДИЛИ

Тахририятдан Муборак Абдумаликова ҳақида лавҳа тайёрлаш топширигини олган, қулоқларим остида зукко шоира Зулфия опанинг овозлари жаранглаб кетгандек бўлди. Гўё улар:

«Севарим, лобарим қизлар, Қаҳрамон йигитлар кечирсин мени. Бу кун ҳам қўшимиз сизларга доир Сизни хур кўйламоқ. Менга саодатдор, мен бахтли шоир!» дегандек эдилар.

Эндигина институтнинг биринчи курсида таҳсил олаётган биз, ёш талабалар 16 қаватли Матбуот уйига, у ерда меҳнат қилаётган одамларга мўъжиза яратувчилардай эҳтиром билан қарардик. Янги ишга кирган кезларимда бири кунли лифта Зулфия опа билан бирга чиқдик. Мусафҳилар хонасига кирар-кирмас ҳамхонамга ҳовликчанча «Хозир Зулфия опа билан бирга чиқдик», дебман. Улар эса кулимсираганча «Хали кўп чикасиз», дедилар. Сўнг тақдир тақозоси билан «Саодат» журналида мусаввира бўлиб ишлаган Лайло Салимжоннова билан кўшни бўлиб қолдик ва опа ҳақида жуда кўп илқ сўзлар эшитиб, уларга бўлган ҳурматим ўн чандон ошди.

...Мана бугунги кунга келиб Зулфия номидаги Давлат муқофотида номзодлар рўйхатини кўздан кечирар эканман, ҳаёлимда улар қандай инсонлар бўлиши керак, деб ўйлардим. Албатта бундай инсонлар баркамол, чор-атрофдагилардан аллақайси жиҳатлари билан ажралиб туришлари керак деб ҳисоблайман. Чунки бир-бирига ўхшаган, умрини бир маромда, осейишта ўтказаятган одамлар орамизда жуда кўп.

Санъат гунаҳлари таълим оладиган Юнус Ражабий номидаги мусиқа билим юрти директори Гулсум Махмудова мақсадидаги англағач, Муборак машғулот тинглаётган хона томон бошлар экан, ўзи тарбиялаётган талаба ҳақида тўққинлиб сўзлади: «Муборакнинг турган-битгани истеъдод. Кўшиқ айтади, рақс тушади, шеър ёзади, мусиқа асосларининг бир нечасини чала олади, англиз ва рус тилларида бемалол сўзлашади». Мен унга ҳазил қиламан: «Ўзбек тилидаям гапирадими?» Ҳозир жуда кўп аёллар ўз она тилларини унутиб қўйишган. «Вой, нега ундай дейсиз-а? Муборак ўзининг қизимдай бўлиб қолган. Эртага билим юртимизда тил байрами ўтказамиз. Келинлар, ҳаммасининг шохиди бўласизлар», дейди Гулсум опа менга жавобан.

...Бўйлари баландгина, кўзлари чакноқ, чинакамга гўзал Муборак менга гапингиз бор дегандай саволмуз қарайди. Саволларимга эса ўзига ишонч билан дадил жавоб қайтаради. Фикрлари тинч, тинглаб, ҳа, янги замон фарзанди дейман.

— Муборак, санъат йўли ниҳоятда машаққатли. Бу йўлни танлашингизга ким сабабини бўлган? — сўрайман ундан.

— Ойижоним, олти ёшга кирганимда мусиқа мактабига етаклаб борганлар. Биласими, ойижоним мен кичкина-лигимда боғчада ишлардилар, кечқурунлари пианино олдида бориб эртага болажонларимга қайси кўшиқни ўргатсам экан, деб бирпас ўйлардиларда, кейин чала бошлардилар. Бир кунли ёнларда туриб «Гулшаним» деган ашулани ўрганиб олганман, кейин аждаҳом ишдан қайтганларимда айтиб берганман. Ойижоним хайрон бўлиб, «Вой, менинг санъаткор қизим-ей», деганлару секин-секин чалишни ўргата бошлаганлар. Шунинг учун «Биринчи устозинг ким?» деб сўраса, доим «Ойижоним», деб жавоб бераман. Оиламизда мени мусикадан чукчур билдим олишим, ҳақиқий инсон бўлишим учун ҳамма шароитларни яратиб беришган. Ҳатто буювжоним: «Киз бола палаҳмон тоши, уй ишларини ҳам ўрган, пазанда бўлмасанг, мулозаматни, муомалани билмасанг, сен аёл деган номни оқлай олмайсан. Мен сени оилада ҳам бахт топшингни истайман, болам», деб қулгимга қуяверадилар. Ҳушдан хориб келганимга қарамай баъзан: «Қани, хамир қориб юбор-чи, бир манти қилайлик ёки сабзи тўраб, ош дамлавор-чи, она қизим», деб йўл-йўриққа соладилар. Гоҳида хафа бўлиб кетаман, лекин буювжоним билганинг ўзинга фойда деб бекорга айтмайдилар, дейману тез-тез буюрган ишларини бажараман.

— Эндигина тетапола қилиб қадам ташлаётган ҳаваскор санъаткорлар машҳур кўшиқчи-хонандаларга тақдир қилдилар. Сиз қайси хонандага ўхшатишга интиласиз? — Опа, мен айни ўхшата оламанми-йўқми билмадим у бир эшитиб кўрасизми? Муборак менинг ҳа дейишимни ҳам кутмасдан аста қўйлаб бошлайд:

«Оқ йўракка ўрагансан ўзинг бизни, Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни. Бошимиз узра бедор онам бўлиб, Кунимизга ярагансан ўзинг бизни».

Вой, Юлдуз Усмоновага ўхшайди-ку! Ҳа ҳаммани ўзига мафтун этган сеҳрли овоз! — Ие, Муборакхон, шундай яхши куйларкансиз. Билим юртини тутатган машҳур эстрада хонандаси бўлиб кетишингиз ҳеч гап эмас! Рақсга ҳам тушиб тураркансиз. Қандай кўшиқларга рақс тушасиз, ҳар ҳолда ёшсиз, шўх, энгил куйларни севсангиз керак-а?

— Йўқ-йўқ, мумтоз куйларни, кўшиқларни кўпроқ яхши кўраман, ҳатто уларга рақс ҳам санжалаштирмаман. Уларни Дилноза, Нилуфар, Мадина, Нормира деган сингилларимга ўргатаман. Билим юртимизда ўтказиладиган бирон бир тадбир бизсиз ўтмайди.

— Бизни ўқитган газет-хонларга, муҳлисиз дўстларга тилақларингиз? — Мен билан суҳбатга вақт топган инсоним! Ҳазр каби мардлар йўлига қиринг. Нуҳ кемаси ҳам, Сулаймон қудратидо, Юсуф жамоли ҳам Сиз! Сеҳр ҳам, Меҳр ҳам ўн саккиз оламнинг мўъжизаси ҳам бизнинг ўзимиздир. Унутман!

Маъпура НАБИЕВА суҳбатлашди.

Пазандалик

БЕҲИ МУРАББОСИ

Қуз фасли беҳи ҳосили йилги олинди ва уй бекалари ундан мурабболар тайёрлаш ҳаракати-га тушади. Ҳуш, беҳи мураббоси қандай тайёрла-нишни биласизми?

Беҳи яхшилаб ювилиб, туқларидан тозаланади. Сўнгра уни тўртга бўлиб, заха ва курт тушган жойларини олиб ташлаш лозим. Кейин беҳиларни эни 0,5 сантиметр келадиган тилимчалар қилиб кесилди. Кесилган бўлакчаларни қозонга солиб масалиқнинг юзи билан ба-

Саҳифани Шарифа ИЛЕСОВА тайёрлади.

Бека

МАСЛАҲАТЛАР

◆ Меваси қалта ва йўғон сабзи энг серсуб бўлади. Бундай сабзилар салатларга қўшилади ҳамда маринад қилинади. ◆ Сабзининг тўқ сариғи, гулқарамнинг оппоқ ва қаттиғи ҳамда бодрингнинг кўм-кўки яхши бўлади. Уларни ҳарид қилганда ана шуларга эътибор беринг. ◆ Агар бодринг ечиқ Сўлса уни ташлаб юборишга шоянда манг. Бодрингни артиб шакар қўшишдан сўтда ушлаб туринг, аччиғи кетади. ◆ Помидорни сирли идишга солиб, усти очик ҳолда музлат-гичнинг пастки қисмига қўйилса, узоқ бузилмасдан сақланади. ◆ Сабзавотларни зангла-майидан пўлат пичоқларда тўғ-лаш керак. Чунки темир пичоқлар улардаги С витаминини йў-қотади.



Катта бўлсам шунака машина хайдайман, ойижон!

Обуна - 2000

«МУЛОҚОТ» - МАЪНАВИЙ ЙЎЛДОШ



Республикамиз истиқлолга эришган йилда ташкил топган «Мулоқот» журналича қисқа вақт ичида мамлакатимизда чоп этилаётган матбуот нашрлари орасида ўзига ҳос йўналишга, маънавиятга эга бўлиб, ўз муштарийларини топиши, халқимиз орасида муносиб обрў-этибор қозони.

мустаҳкамлаш йўлида, миллий гуруҳ туйғулари йўғотишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ушбу фикримизга яқиндаги на нашрдан чиққан журналнинг биргина 5-сон ҳам ёрқин мисол бўла олади. Журналнинг ушбу сони муқовасида халқимизнинг мўғул босқинчиларига қарши курашган, бу йил таваллудининг 800 йиллиги кенг нишонланаётган Жалолиддин Мангубердининг жасоратли сиймоси ақс этган. Яқинда «Ўзбекистон халқ рассоми» уновнига сазовор бўлган Тўра Курбоннинг ушбу асарини Жалолиддин Мангуберди киёфасини яратиш бўйича ўтказилган республика танловидан биринчи ўринни олган эди. Худди ушбу сонда журналхонлар ёзувчилар Махкам Махмуд ва Махмуд Сатторларнинг Мангубердининг мураккаб тақдирини акс эттирувчи «Синд соҳилидаги жасорат» мақоласи билан ҳам танишишлари мумкин.

Журнал дастлабки сонларидан бошлаб доллар бориш ижтимоий-сиёсий мавзуларни дадиллик билан ёритиб, маънавият илди-лари минглаб йилларга бориб тақалуви халқимиз тарихининг кўпчилиги учун қоронғи томонларини очиб берди.

«Мулоқот» журналича бугунги кунда халқимиз маънавиятини бойитиш, мустақиллик мафқурасини фуқароларимиз онгида сиёсатшунос олим Нарзулла Жўраевнинг «Янги асрга давлат» мақоласида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоққа» асариданги ёнғилар чуқур ва кенг таҳлил қилди, тарғиб қилинган.

ТАБАССУМ

Терговчи айбдордан сўради: — Манави пичоқни танидингми? — Ҳа, танидим! — Демак танидингиз! — Енгил нафас олиб терговчи. — Ахир сиз уни уч ҳафтадан буён кўрсатаясизку, нега танимай, — деди айбдор.

Бир неча йилдан бери «Ёшлик», «Мустақиллик», «Оқибат», «Мирзакалон Исмоили, Амир Темури, Нур, Фирдавсий, Оққўрғон, Дархон, Саалор, Хамид Олимжон маҳаллаларида истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалар кенгаши аъзолари Хоразм вилоятининг фахрийлари, энгиллари ва санъаткорлари билан дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида бутун куч-гайратини билан тинмай хизмат қилиб келмоқдалар.

Улар бир-бирлариникида меҳмон бўлиб, илгор тажрибаларни ўрганиб, кундалик ҳаётга таъбиқ этишди. Яқинда биз Мирзо Улугбек туманининг бир гуруҳ маҳалла фаоллари Хоразм вилоятининг туманларида бўлиб сановат, қурилиш, кишлоқ хўжалигида қўлга киритилган ютуқлар билан танишдик.

Бир купеда аёл ва эркак ўтиради. Улар бир-бирдан кўз узишмасди. — Амаки, жа ҳаёлингиз паришон кўринади, нима ўйлаясиз? — деб сўради аёл. — Сиз нима ўйлаб ўтирган бўлсангиз мен ҳам шуни... — Уятсиз...

Американинг Жанубий Дакота штатидан топилган алп маҳлуқнинг бош суяги археология фанида қимматли янгилик деб баҳоланмоқда. Бу қимматбахш янгилик олимларни ҳам, оддий томошабинларни ҳам хайратда қолдирмоқда. Ажойиботлиги — биринчидан, олимлар бу маҳлуқни бундан 67 миллион йил аввал ҳаёт кечирган тиранозаврнинг бош суяги деган хулосага келишди, иккинчидан тоғ қавагида шунча йиллар мобайнида сақланиб келган унинг бош

Мунозара учун мавзу! СИЗ ҲАМ «ГАП» ЙЎНАГАНМИСИЗ?

да миллий маънавиятимизни тиклаш, бойитиш, мустаҳкамлаш борасида янги иш усуллари яратиш, эскиларидан ижобий фойдаланиш, инсон онгига таъсир ўтказишини янги йўллари излаб топиш, қайси «теша тегмаган» манбалардан фойдаланиш, жамиятнинг қайси «ячейка»лари орқали яхшироқ, самаралироқ натижаларга эришиш каби мураккаб вазифалар турари.

тан, бизнинг кузатувларимиздан маълум бўлишича, пойтахт аҳолисининг ерли халқи қисми ичида гапга қатнашмаган бирор қимса камдан кам топилса керак. Фикримизнинг далили сифатида «гап»ларнинг турларини келтиришни ўзи кифоя. Мана уларнинг нотиқлик рўйхати: «Эркаклар гапи», «Хотинлар гапи», «Йигитлар гапи», «Қизлар гапи», «Оилавий гап», «Аралаш гап», «Ишхона гапи», «Касбухона гапи», «Қариндош-уруғ гапи» ва ҳоказо.

«Гал»ларнинг мазмуни, ташкилланишига эътибор берилса: халфана (пул ёки озуқа йиғиб), галма-гал, совғали (қимнинг гали бўлса шунга «гал»лардан умумий совға билан бориш), фақат туғилган кунда ўтказиладиган гаплар, албатта театрға олиб бориш гап доирасида, расмага ёки видеога тушириш шарти билан, ичкиликсиз гап ва ҳоказо.

«Гал»ларнинг таркибига назар солсангиз ишдан вазирига, талабадан олимга, аҳолининг барча қатлам вакиллари борлиги кўрилади. Уларнинг даврийлиги: бир ҳафтада бир марта, бир ойда бир марта ва ҳоказо. Айниқса «гал»ларнинг интимиқга эътибор бермоқ лозим. Бу ерда интимиқ масаласи метиндан мустаҳкам — кеч қолган ёки сабабсиз қатнашилган қолган улфатга турли жарималар солинад.

Касбнома

КИШИЛАРНИНГ ҚОЖАТИНИ ЧИҚАРИБ...

Суратдаги мана бу кўлиб туриб иш бажараятган йигитни шахримизда кўпчилик танийди, десам газетхонлар муболагага йўймасалар керак. Негаки, Шўхратжон пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси марказий поликлиникасида сунъий тиш қўйиш шифокори сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Назм

СОҒИНЧ

Йиғлай олмай қийналди осмон, Будуллари роса тўлғанди. Чақин қақиб ярқариб ҳар ён, Астагина баҳор уйғонди.

Томчилди шивирлаб ёмғир Майсаларни эркалаб, сийлаб Шаббодалар эсилаб гур-гур Баҳористон куйини куйлаб

Кейин навбат келди булбулга Навбат билан гуллади олам. Баҳор қизи сочи сунбулга, Ета олмай чекаман олам. Йиғлай олмай қийналди осмон.

Сен ўзинг айтгансан, — қиёматлим деб, Боши галдан чиқмас маломатлим деб.

Мен ҳам яшаб ўтдим шунга муносиб, Қиёматли бўлди дўстим ва рақиб.

Умр йўлдошимга айтиб сиримни Икки қила олмай ўтдим биримни.

Сирдошларга айтсам дилдаги дардим, Зафаронроқ бўлди шу ранги зардим.

Шундай гумроқ бўлиб туғилдим нетай Ўз дардимни ўзим кўтариб кетай.

Баргин тўқиб улгурмади дараклар, Ям-яшил дунёга оппоқ қор ёғди. Ойналарни тўсди қишқи суратлар Бирдан сунбуланинг эс-хуши оғди.

Тутаб улгурмади мудроқ мўрилар, Кўтариламай қолди янчилган хирмон Очликдан улайди шўрлик бўрилар. Болаларга дунё ташлади осмон.

Утавер дунёнинг ишин чамалаб Қайси бир сирга ақлинг етади. Дуо қил ўзинга ўз умринг тилаб Сен кутмаган қорни ёғиб кетайди. Муҳаммад ҲАЙДАР.

Мавриди келгани боис, келинг, яхшиши Шўхратжон ҳақидаги гапни айрим шифокорларга таниқ бўлган муомала маданиятидан бошлаб қўлайлик.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ. Шўхратжон дилкашлиги, ширин забони билан бу ерда довланиш учун келганларининг тезда хурматини қозонадиган, эътиборини тортадиган йигит. Ҳамма вақт бирдай: майин табасуми, хушумомалик дониш хамроҳи. Ҳазил-мутойиба гаплар билан ишни бажариб қўйганини сезмай ҳам қолмас.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ. Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209. Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қороз бичими А-2. Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.